HAQSEVAR ONA YURT, MANGU BO`L OBOD!

# TOSHKENT HAQIQATI

VILOYAT IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETASI

2023-yil
11-mart
SHANBA
№ 12 (13571)

1928-yil 11-dekabrda asos solingan

@haqiqatonline Haqiqat online haqiqatonline_



## ҚУЁШ, "АЁЛЛАР ДАФТАРИ" ВА ПРЕЗИДЕНТ СИЁСАТИ

**Халқаро хотин-қизлар байрами арафасида вилоят ҳокимлиги ажратган 2 миллиард сўм ҳисобидан 128 та эҳтиёжманд оила хонадонига қуёш панеллари ўрнатиб берилди.**

Инсон қадри



Қишлоқ аёллари шундай: уйим-жойим деб яшайди. Улар хонадонидаги, рўзғоридаги бир кемтикнинг бут бўлишидан астойдил қувонадилар. Бу қувонч, бу шукроналикни сўз билан таърифлаш қийин. Уни ҳис қилмоқчи бўлсангиз, бугун Қуйи Чирчиқ, Бекобод, Бўка, Ўрта Чирчиқ ва Чиноз туманларида истиқомат қилувчи ва “Аёллар дафтари”га киритилган кўплаб опа-сингилларимиз хонадонларига келинг, кўкламнинг илк шукуҳли айёми – 8 март байрами қувончлари билан улар кўнгилларига чинакам ёруғлик, илиқлик кириб келганига ўзингиз гувоҳ бўласиз.

Гап шундаки, Халқаро хотин-қизлар куни арафасида вилоят ҳокимлиги маҳаллий бюджетининг 2022 йил якунида иқтисод қилинган маблағлари ҳисобидан 2 миллиард сўм ажратилди ва эҳтиёжманд оилаларнинг 128 таси қайта тикланувчи энергия манбалари билан таъминланди.

– Бундай замонавий ускуналар биз олис ҳудудларда яшовчи аёллар учун жуда қулай экан, – дейди бўкалик Ойниса Айкунова. – Авваллари ойнаи жаҳонда, интернетда бу қурилмалар ҳақида эшитардик, ўқирдик-ку, бироқ ўз ҳовлимизда фаровон турмушимиз манбаига айланиши тўғрисида хаёл ҳам қилмаган эканмиз, қаранг. Сизларга айтсам, бу йилги байрамнинг энг ажойиб совғаси – мана шу бўлди-да!

Ойниса опанинг қўшниси Рўза Бегимова ҳам қулайликдан, туҳфадан мамнун. Яширмайди, узоқ йиллар мобайнида электр энергиясидаги узилишлар ва таъминотдаги камчиликлардан хуноби ошиб, кўп аччиқланиб юрарди. Рўза опа қўшнисининг изҳорларини давом эттираркан, инсон қадри учун олиб борилаётган ўзгаришларнинг бошида турган мутасаддиларни дуо қилди.

– Қайта тикланувчи энергия манбалари, бу қурилмалар қиммат туриши, ўрнатишнинг ўзи фалон сўмга тушишини биз, қишлоқ хотинлари билмайди, дейсизларми?! Билганда қандоқ. Сабр қилиб юрувдик, ғўладан ҳалво битгандек бўлди бу туҳфа.

(Давоми 2-саҳифада)

Бизнинг суҳбат

## ОЛИМУ ИЛМУ АМАЛ...

Холида АЗИЗОВА, Ислом Каримов номидаги ТДТУ Олмалиқ филиали катта ўқитувчиси



2

Муносабат

## НАЖОТ – ТАЪЛИМ, ТАРБИЯ ВА БИЛИМДА

**Таълим ва тарбия нафақат бугун, балки барча даврлар учун ҳам долзарб масаладир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2022 йил 22 декабрдаги Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасидаги олтита йўналишнинг бири таълимга бағишланганини ва жорий йилнинг мамлакатимизда “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили” деб номлангани халқимизнинг кўнглидаги иш бўлди. Унда таълимни янги босқичга олиб чиқиш масаласига алоҳида эътибор қаратилиб, келгусида амалга оширилиши назарда тутилган аниқ вазифалар белгилаб берилди.**



2

## Кун тасвири

**ТОШКЕНТ вилояти** бош имом-хатиби Жасурбек домла Раупов вилоят Эндокринология диспансерида даволанаётган беморларни йўқлади.

Хайрия тадбирида диспансерда даволанаётган беморларга саломатлик йўлакчасида жисмоний машғулотлар ўтказишлари учун велосипедлар ҳадя қилинди.



**БЕКОБОД туманида** “Оққўрғон тажрибаси” асосида амалий ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, “Ёшлик” маҳалласидаги муаммолар ўрганилиб, эскирган, нособ трансформаторлар янгиланди.



**ЯНГИЙЎЛ шаҳрининг** “Туркистон” маҳалласи ички йўлларига асфальт ётқизилмоқда. Шаҳар ҳокими Ф. Мирзаев маҳаллада бўлиб, жараён билан танишди.



**БЎСТОНЛИҚ тумани** ҳокимлигида сектор раҳбарлари билан ёшларнинг навбатдаги учрашуви бўлиб ўтди. Мулоқотда ёшлар бандлигини таъминлаш, уларга субсидия, кредит, ер майдонлари ажратиш, тадбиркорлик қилишлари учун имтиёзлардан фойдаланиш каби масалалар муҳокама этилди.



“Сув таъминоти” МЧЖ **АНГРЕН шаҳар** бўлимида “Жаҳолатга қарши маърифат” мавзусида тарғибот тадбири ўтказилди. Унда қатнашчиларга мавзуга оид видеолавҳалар намойиш этилди. Шунингдек, иштирокчиларнинг саволларига мутахассислар жавоб беришди.

Қадрият

## 18 МАРТ – УМУМХАЛҚ ХАЙРИЯ ҲАШАРИ КУНИ

**Ҳукумат фармойишига асосан Наврўз умумхалқ байрамини муносиб нишонлаш ҳамда муборак Рамазон ойини қарши олишга тайёргарлик кўриш, маҳаллалар, аҳоли тураржойларини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлаш мақсадида 2023 йил 18 март куни “Обод ва файзли маҳалла – юрт кўрки” шиори остида умумхалқ хайрия ҳашари ўтказилади.**



Маҳалла ҳаётидан

## ЁРДАМЧИ ЭНДИ ҲОКИМ МУОВИНИ

**Ўтган йили Тошкент вилоятининг 1 минг 22 та маҳалласида фаолият бошлаган ҳоким ёрдамчиларидан яхши натижа кўрсатган 50 нафари янги лавозимларга тайинланди. Эътиборлиси, уларнинг 7 нафари туман ҳокимларига ўринбосар бўлишди.**

Хусусан, Бекобод туманининг “Саврак” маҳалласида ишни самарали ташкил қилган ҳоким ёрдамчиси Улуғбек Худойбердиев одамларнинг ишончи ва ҳурматини қозонди. Талабчан ва ташаббускор Улуғбек яқинда Бекобод тумани ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари лавозимига тайинланди.

Улуғбек дастлаб маҳалланинг имкониятларини ўрганар экан, 428 та хонадонни уч марта хатловдан ўтказди.

(Давоми 2-саҳифада)

Дил сўзи



*Эъзозлар, ардоқлар учун ташаккур!*

2

Тиббиёт

## “ЯШИРИН ҚОТИЛ” ёхуд вилоятда нефрологик вазият қандай?



**Маълумотларга кўра, бугунги кунда дунё бўйича 500 дан ортиқ номдаги касалликлар рўйхатга олинган бўлиб, улар орасида йўқолиб бораётганлари, давоси топилаётганлари, саломатликка жиддий зарар етказаётганлари, сурункали давом этаётганлари, шунингдек, янгидан пайдо бўлаётганлари бор.**

Инсон ҳаётига жиддий хавф солувчи хасталиклардан бири нефрология, терминал ва ўткир буйрак етишмовчилиги касаллигидир. Бугунги кунда дунё бўйича 800 миллион аҳоли буйрак етишмовчилигидан азият чекади. Сўнгги йилларда бу хасталик билан оғриганлар ҳам кўпайиб, ҳам “ёшариб” бораётгани кузатилмоқда.

(Давоми 3-саҳифада)

2023 йил 11 мартдан: 1 АҚШ доллари – 11 390,26 сўм; 1 евро – 12 052,03 сўм; 1 фунт стерлинг – 13 654,64 сўм; 1 Россия рубли – 149,85 сўм; 1 Хитой юани – 1 636,84 сўм; 1 япон иенаси – 83,27 сўм; 1 қозоқ тенгеси – 25,27 сўм

# ҚУЁШ, "АЁЛЛАР ДАФТАРИ" ВА ПРЕЗИДЕНТ СИЁСАТИ



Қуёш панелларини харид қилиш ва ўрнатиш дастлаб катта маблағ талаб этсада, кейинчалик иқтисодий жиҳатдан ўзини буткул оқлаши мутахассислар томонидан таъкидланган. Чекка қишлоқларда электр энергияси таъминотидаги узилишлар ва камчиликларни бартараф этишда айни услуб жуда қўл келади.

– Уйимизга анча аввал қуёш панели ўрнатилганди, – дейди Бўка туманидаги "Паркент" маҳалласида яшовчи Жумабоевлар хонадони келини Оқилахон. – Сир эмас, яқинда кузатилган аномал совуқ кунларда қўшниларимиз бу қулайликдан бебаҳра қолишди. Бизда эса уйни иситиш, ёритиш ва телефонларни қувватлантириш, телевизорни ишлатиш имкони бўлди. Қуёш панели ўрнатган пайтимиз имтиёзлар оз эди. Мана қулайликлар кўпайди. Энди барча хонадонлар кўнглимиздек равшан бўлиши табиий.

– Бу эзгу ният рўёби ҳали давом этади, – дейди вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Музаффар Файзиев. – "Темир дафтар"га киритилган эҳтиёжманд оилалар хонадонига ўрнатилаётган қуёш панеллари бюджет маблағлари ҳисобидан бўлиб, бу борада вилоят ҳокимининг навбатдаги фармойиши қабул қилинмоқда. Жорий йил бошидан 3 миллиард сўм маблағ ажратилиб, 150 дан ортиқ аҳоли хонадонларини муқобил энергия билан таъминлаш чоралари кўрилмоқда.

Маълумот ўрнида айтиш мумкинки, бугунги кунда вилоятда қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларини ишлаб чиқарувчи 20 дан ортиқ тадбиркорлик субъекти фаолияти йўлга қўйилмоқда. Ушбу фаолият билан шуғулланиш арафасида турган тадбиркорларга солиқ ва мулк имтиёзлари берилмоқда. Ҳозирда 900 МВт. қувватли фотоэлектр станцияларини қуриш бўйича Жанубий Корея ва Хитой Халқ Республикаларининг йирик компаниялари билан келишувга эришилгани, Юқори Чирчиқ туманида Саудия Арабистони "Akva Pover" компанияси билан ҳамкорликда қуввати 400 МВт. бўлган қуёш фотоэлектр станцияларини қуриш ишлари бошланганини таъкидлаш мумкин.

Президентимизнинг "2023 йилда қайта тикланувчи энергия тежовчи технологияларни жорий этишни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори бу ишлар учун муҳим дастуриламал вазифасини ўтамоқда. Ушбу қарор ижроси юзасидан белгиланган "Йўл хариталари"га асосан шу кунларда бу борадаги ишлар жадаллик билан давом этмоқда.

**Ўз мухбиримиз**
*Нозим ИСМОИЛОВ олган суратлар*

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

Бизнинг суҳбат

# ОЛИМУ ИЛМУ АМАЛ...

**Холида АЗИЗОВА,**
**Ислом Каримов номидаги ТДТУ Олмалиқ филиали катта ўқитувчиси, Кимё фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD).**
**1994 йил 17 февраль куни Олмалиқ шаҳрида туғилган.**
**Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Кимё факультетининг бакалавриат ва магистратура босқичларини тамомлаган.**

**– Аёл сифатида иш жараёнида ўзингизни кўпроқ бахтиёр ҳис қиласизми ёки оилада?**

– Очиғи, бу саволни аввал ўзимга ҳеч бермаган эканман. Лекин аниқ жавоб бера оламанки, мен учун бахт, бу – оилам.

**– Бугуннинг олима аёлларига, талаба қизларига нима дейсиз?**

– Ҳозир аёлларимиз, қизларимизга бўлган эътибор, имконият ва имтиёз эркакларга нисбатан анча юқори, десам, муболаға бўлмайди. Шунинг учун бўлса керак, зиёли аёлларимиз сафи йилдан-йилга ортиб бормоқда.

Айниқса, оилавий шароити қандай бўлишидан қатъи назар хоҳиш-истакларини ва мақсадларини амалга ошира олган аёлларни бошқача ҳурмат қиламан. Осон эмас аёл киши учун илмий иш қилиш, олима бўлиш, лекин инсонни ҳаётнинг синовлари чиниқтиради, тоблантиради. Қулай шароит ва ҳаёти яхши бўлгани учун аёл осонгина олима бўла олади, деб ўйламанг. Шунчаки аёллар бажара оладиган бошқа ишлар каби жараён эмас бу. Атрофимдаги аёллар бу даражага йўл-йўлакай эмас, тинимсиз изланишлар, интилиш ва билим орқали, машаққат, пасту баланд йўллардаги синовларни енгган ҳолда эришаётганларининг гувоҳиман. Бурчини жуда яхши англаган, кўп нарсалардан, қайсидир маънода, воз кеча олган олима аёл – ирода тимсоли. Атрофида ўзига етарли муаммолари бўлишига қарамай, илм даражасини юксалтира олаётган аёллар ҳар қанча эъзозу ардоққа лойиқ.

Талаба қизларга келсак, ўқийдиганларини қўллаб-қувватлайман. Илми бор талаба дарсда ҳам чақнаб туради. Уларнинг келажаги бор. Чунки илм йўлида ёна олган қизлар мақсадини ҳам тўғри танлай олади.

**– Комиллик даражасидаги аёллар сафида кимларни кўра оласиз?**

– Илмга эга бўлганингиз сари кўп нарсани билмаслигингизни англайсиз. Ўзингизни кичик бир зарра деб биласиз. Балки, комиллик мана шудир. Бироқ жуда кучли билимга эга бўлган аёлларни эмас, эркакларни биламан. Чунки илмий ишларимда маёқ бўла олган илм соҳиблари асосан эркак устозлар. Шу ўринда айтишим жоизки, айнан Миллий университетнинг кимё факультетида ўзим ҳавас қиладиган аёллар ҳам бор. Хусусан, Дилфуза Ғофурова ва Зулайҳо Исманова. Бу икки аёл ҳам оиласини, ҳам илмни, ҳам ҳаёт йўлини батартиб йўлга қўя олганлар сафидалар.

Оила ва ҳаётдаги аёллик вазифаларимни эса жуда қадрли инсоним, ҳақиқий уй бекаси сифатида бекаму кўст бўлишимда устозлик қилган Гулбаҳор холам ва опамдан ўрганганман. Асосий сабабчилари – қайнонам ва қайнотам десам муболаға бўлмайди. Уларнинг қўллаб-қувватлаб турганликларининг ўзи мени энг катта ютуғим.

Оилада аёл кишининг ўрнини, тартиб ва саранжомликни, орзу ва мақсадларга эришиш учун куч топиш сирини, психологик жиҳатдан ўзимни ким эканлигимни англатган, ички "мен"им билан баҳс қилиш ва тўғри йўлни танлай олишни ўргатган меҳрибоним, албатта, бу – менинг онам.

**– Бу йилги хотин-қизлар байрамининг сиз учун эсда қоларли совғаси нима бўлди?**

– Ҳаётимда ҳали алоҳида эсда қоларли совға бўлмаган. Масалан, акам доим атир совға қилади. Турмуш ўртоғим пиширган кабобларни яхши кўраман. Шу боис байрамларда қўлбола кабоб тайёрлаб берадилар. Ўтган йили фалсафа докторлигини ҳимоя қилганимда, турмуш ўртоғим ва фарзандим мен ёқтирган қизил атиргулларни совға қилишганди. Аёл сифатида доим шундай атиргуллар олишни хоҳлайман. Аслида аёлни эъзозлаш учун байрам бўлиши шарт эмас-ку!

**– Бу ҳаёт театр, унда сиз бир неча образларни ижро этмоқдасиз. Она, келин, фарзанд, ходима... Сизнингча, булардан қай бирининг ижроси қийинроқ?**

– Мен учун энг қийини она ва фарзанд образларида бўлиш. Сабаби она бўлиб фарзандимга тўғри тарбия бера оляпманми деган ўй қийнайди. Ота-онам ўқимишли инсонлар. Оилада беш фарзанд бўлсак, барчамизни олий маълумотли қилишди, уч нафаримиз магистратурада ҳам ўқидик. Докторантурада ўқиётган вақтимда фарзандим 1,5 ёш эди. Онам фарзандимга қарар, мен эса эртаю кеч илмий ишим билан овора эдим. Онам фарзандимга мендан ҳам аъло қараганлар. Ўша пайт вақт зиқлигидан онам билан боламга етарлича эътибор қаратолмаганман. Яқинда онам шуларни бир-бир эслаганларида, англадимки, ўшанда онамга керак бўлганман. Бироқ, менга буни сездирмаганлар...

Ота-онапаримизнинг заҳматларини қандай адо қилар эканмиз, деб кўп ўйлайман. Катта орзуларим бор улар учун, лекин бунга вақт керак. Баъзан уларга қўнғироқ ҳам қила олмайман. Ана шундай ҳолларда ўзимдан ранжиб кетаман.

**– Агар аёл раҳбар бўлса...**

– Аёл кишининг раҳбар бўлишига қаршиман. Бу ҳақда ўйлашни ҳам хоҳламайман. Аёл илм қилсин, ўғил-қизларини ҳам билимли қилсин. Зотан, одамзодни илм ва маърифатгина қутқара олади.

**Дилдора АБДУРАҲМОНОВА**
**суҳбатлашди**

# НАЖОТ – ТАЪЛИМ, ТАРБИЯ ВА БИЛИМДА

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

Зеро, Мурожаатнома бир йиллик ҳаётимиз учун муҳим дастуриламал бўлиб, уни тинглаган, ўқиган ҳар бир инсон унда олға сурилган эзгу даъватдан руҳланган, куч олган, ўринли хулосалар чиқарган, янги марраларни кўзлаган бўлиши табиий.

Шунингдек, Мурожаатномада халқимизнинг фаровон ҳаёти ҳамда мамлакатимиз равнақи учун ҳар бир раҳбар, ҳар бир фуқаро қандай иш тутиши, юритиши билан боғлиқ вазифалар аниқ белгилаб берилди. Масалага онгли тарзда ёндашиш, коррупцияга қарши муросасиз курашиш, илм-фан, рақамли иқтисодиётни ривожлантириш, барча соҳавий йўналишларда ўзаро манфаатли ҳамкорликни тўғри йўлга қўйиш лозим. Оғзаки гаплар ва пуч шиорлар билан мамлакат тараққиёти, одамлар фаровонлиги ҳақида сўзлаш беҳуда. Бугунги даврнинг талаби ҳам шу.

Таъкидланганидек, тараққиёт илм-маърифатнинг кўзи бўлса, тарбия унинг тафаккури, таълим эса юрагидир. Шу боисдан ҳам Мурожаатномадаги "Нажот – таълимда, нажот – тарбияда, нажот – билимда", деган ўгитлар барчамизни янада масъулиятли бўлишга чорлайди.

Олдимизга қўйилган мақсад аниқ. Уни амалга оширишда ҳар бир ишчи-ходим, давлат хизматчиси ёки ҳунарманд: қайси касб эгаси бўлишидан қатъи назар, ҳалол ва садоқат билан меҳнат қилиши талаб этилади. Бунинг учун эскича ёндашув ва қарашлардан воз кечиб, илдам ҳаракат қилишимиз керак.

Қайд этиш жоизки, Мурожаатнома инсон қадри ва эркинликларини улуғлашга, келажак авлод учун сифатли таълимни жорий этиш, коррупциясиз жамиятни яратиш, тадбиркорликни янги босқичга кўтариш, ижтимоий ҳимояни кучайтириш, экология, глобал муаммоларни ҳал этиш ва халқимиз орасида миллий тотувлик, диний бағрикенгликни таъминлашга қаратилган муҳим ҳужжат бўлди. У юксак ташаббуслар ва фикрлар муштараклигини ўзида мужассам этди. Бу, ҳаммамиз учун чорлов эканини юртдошларимиз қаторида мен ҳам чуқур ҳис қилдим.

Мамлакатимиз раҳбарининг: "Инсонга қачон эътибор бўлади? Таълим, таълим, таълим ва яна бир марта таълим. Агар таълим бўлса, билим бўлса, сифат ўзгаради. Таълим бўлмаса, сифат ўзгармаса, эътибор ҳам ўзгармайди", деган сўзлари юрагимда акс-садо берди.

Мурожаатнома билан қайта-қайта танишар эканман, шунга амин бўлдимки, амалга оширилаётган барча ишлар, бунёдкор ғоялар Янги Ўзбекистоннинг келажаги порлоқ бўлиши учундир.

**Муроджон НОСИРОВ,**
**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Тошкент вилояти Кенгаши раиси, Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати**

Дил сўзи

**Гавҳар ИСМОИЛОВА,**
**ОКМК АЖ Мис эритиш заводи мисни электролизлаш цехи кран машинисти, "Дўстлик" ордени соҳибаси:**

– Олмалиқ кон-металлургия комбинатига 18 ёшимда ишга келганман. Дастлаб, мутахассислигим бўйича 3 ой ўқидим. Аввалига цехдаги катта-катта кранларни кўриб чўчигандим. Оналик таътилидан қайтганимдан сўнг кран бошқарувчисига шогирдликка беришди. Устозим Раиса Хаматова кўприкли кранни бошқаришни эринмай ўргатдилар. 6 ой деганда мустақил ишлай бошладим. Эндиликда ўзимнинг ҳам шогирдларим бор.

Кўпчилик кран бошқаришимни эшитгач, аёл киши учун қийин эмасми, деб сўрашади. Мен ишимни яхши кўраман. Кранимнинг оғирлиги 10 тонна. Яна шунча оғирликдаги юкни кўтара олади. Фақат "темир машина"ни тушуниш, уни ҳис қилиш керак, холос.

Бу йилги байрам унутилмас бўлди. Камтарона меҳнатим давлат мукофотига лойиқ кўрилганидан бошим кўкка етди. Мукофотни давлатимиз раҳбарининг қўлидан қабул қилишнинг ҳаяжонию таассуротини ифодалаб беролмайман. Қариндошлар, танишлар, ҳамкасбларимнинг табрикларини ҳалигача оляпман. Шундай аёллари улуғланадиган юртда яшаётганимдан фахрланаман.

**Шаҳноза МУСТАФАЕВА,**
**Янгийўл шаҳридаги "Дугоналар" ногирон аёллар жамияти раиси, "Шуҳрат" медали соҳибаси:**

– Атиги тўрт кун олдин оддий Шаҳноза эдим. Энди эса "Шуҳрат"ли Шаҳнозаман.

Болалигимдан II гуруҳ ногиронлигим бор. Шу кунгача 11 марта жарроҳлик амалиётини бошдан ўтказдим. Айримлар ногиронлиги борларга бошқача нигоҳ билан қарашади. Лекин уларнинг иродаси анча мустаҳкам бўлишини билишмайди.

Яширмайман мукофот мен учун кутилмаган "сюрприз" бўлди. Ҳанузгача ҳаяжоним тарқагани йўқ.

"Дугоналар" жамиятини ташкил этганимда олдимга катта мақсадлар қўйган эдим. Шукр, бирин-кетин барчаси амалга ошяпти. Жамиятимизда аёлларни иш билан банд қилиш мақсадида тикувчилик цехи фаолият юритади. Мақсадимиз – тушкун ҳолатдаги, умидсизликка тушган хотин-қизларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг ҳаётдан баҳра олиб, тўла-тўкис яшашлари учун кўмаклашиш.

Ўтган йили жамиятимиз иккита давлат грантини қўлга киритди. Бу маблағлар эвазига спорт анжомлари, тикув машиналари харид қилдик. Ҳозир спорт залида қирқдан зиёд аёллар икки гуруҳда машғулотларга қатнашишади. Уларнинг ўн нафари соғлиғини тиклаб, иш билан таъминланди.

Ниятим олий маълумотли бўлиш эди. Ўтган йили Ўзбекистон Миллий университетининг Ижтимоий иш факультетига грант асосида ўқишга қабул қилиндим. Ҳозир ўзимни бахтли аёллардан бириман, деб айта оламан.

**Наргиза ЙЎЛДОШЕВА,**
**Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти талабаси, Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаси:**

– Ардоқли шоирамиз Зулфияхоним номидаги мукофотга сазовор бўлиш ҳар бир қизнинг орзуси бўлса керак. Ёшлигимдан эркин фикрлашга, мустақил қарор қабул қилишга, билим олишга интилганман, оила аъзоларим ҳам бунинг учун шароит яратиб беришган.

Бу йилги совриндорлар қаторида исм-шарифимни кўриб, кўзларимга ишонмадим. Изланиш, ўқиш, меҳнат бесамар кетмаслигига амин бўлдим. Буларнинг барчасига биринчи устозим – маслакдошим ва дуогўйим – онам сабабчи. Илк санъатга қизиқишим онамнинг оддий тикув машинасида бир парча матодан чиройли либослар тикканларида пайдо бўлган.

Олийгоҳ менга кўп имкониятлар эшигини очди. 2022 йил Норвегиянинг Осло шаҳрида бўлиб ўтган "Энг яхши талаба" ("The Best Student") танловида қатнашиб, гран-при соҳибаси бўлдим.

Ҳали ҳануз унутмайман, 2021 йил "Ёшлар ва талабалар" форумида Президентимиз билан мулоқот чоғи руҳланиб, "Зулфия мукофотини, албатта, ўз қўлингиздан оламан", деб ният қилгандим. Мана, орзуим рўёбга чиқди. Зулфияхонимнинг чинозлик биринчи издошига айландим.

Мукофот менга чексиз қувонч билан бирга катта масъулият ҳам юклади. Энди ўз устимда кўп ишлашим, янада изланишим, юртимиз равнақи учун хизмат қилишим керак.

# ЁРДАМЧИ ЭНДИ ҲОКИМ МУОВИНИ



– Ҳудудимизда 2 минг 271 нафар аҳоли яшайди, – дейди маҳалла раиси Баҳодир Қурдошов. – Уларнинг 300 нафарга яқини ишсиз эди. Ҳоким ёрдамчисининг саъй-ҳаракатлари билан кредит олган 19 нафар фуқаро чорвачилик, 2 нафари паррандачилик, 1 нафари асаларичилик, 30 нафари деҳқончилик, 3 нафари иссиқхоначилик ва 1 нафари тикувчилик йўналишида тадбиркорликни бошлаб юборишди.

Шу кунларда томорқалардаги тўқсонбости экинлар бўй кўрсатиб қолган.

– Тўрт нафар фарзандим бор, – дейди Ҳадича опа Тошбоева. – Бири олий ўқув юртида шартнома асосида ўқийди. Анча йиллардан бери иссиқхонаси борларга ҳавасим келарди. Бироқ ишни йўлга қўйиш учун маблағ етишмасди. Ҳоким ёрдамчисининг кўмаги билан 33 миллион сўм имтиёзли кредит олдим. Иссиқхонада корейс карамини етиштириб, яхши даромад топяпман.

Шунингдек, Мавжуда Жангибоева, Равшан Маматвалиев, Аббосхон Ражабовлар ҳоким ёрдамчисининг кўмаги билан ҳаётлари ўзгаргани ҳақида тўлиб-тошиб гапиришди.

– Аслида туманнинг "Боғишамол" маҳалласиданман, – дейди Улуғбек Худойбердиев. – Илк учрашувдаёқ савракликларнинг меҳнаткашлиги, бироқ моддий етишмовчилик туфайли бир ишнинг бошини тутишолмаётганини сезгандим. Ишни хотин-қизлар бандлигини таъминлашдан бошладим. Уларнинг 100 нафарини босқичма-босқич ҳудудлардаги саноат корхоналарига ишга жойлаштирдик. Ўқиш истаги бор аёлларни туман марказидаги мономарказга юбордик. Маҳалла ёшлари орасида пайвандловчи-чилангарликка қизиқувчилар кўп экан. Уларни ўқув курсларида ўқитдик. Ҳозир аҳолига буюртма асосида хизмат кўрсатишмоқда.

Дарвоқе, анча йиллардан буён ҳудудда болалар боғчаси фаолият юритмаётган экан. Зарбдор ва Олтиовул кўчаларида ташкил этилган оилавий боғчага 60 дан ортиқ болалар қамраб олинди ҳамда олти нафар ёш ишли бўлди. Бу ҳам ҳоким ёрдамчисининг елиб-югуриши билан амалга ошди.

Дарҳақиқат, савракликлар ҳоким ёрдамчисидан миннатдор. Бошқа ишга ўтган бўлсада, доим алқаб, яхши гаплар билан эслашади.

**Нигора ЎРОЛОВА**
**/Тошкент ҳақиқати/**

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

Хабарингиз борми?

# Наврўзда неча кун дам оламиз?

**"2023 йилда расмий саналарни нишонлаш даврида қўшимча ишланмайдиган кунларни белгилаш ва дам олиш кунларини кўчириш тўғрисида"ги Президент Фармонига мувофиқ, дам олиш кунлари белгиланган.**

Наврўз умумхалқ байрами муносабати билан:

• беш кунлик иш ҳафтасида ишлайдиган ходимлар – 5 кун (18-22 март кунлари);

• олти кунлик иш ҳафтасида ишлайдиган ходимлар – 4 кун (19-22 март кунлари) кетма-кет дам олади.

Беш кунлик иш ҳафтасида ишлайдиган ходимларнинг дам олиш кунлари қуйидагича кўчирилади:

• 11 март – шанба кунидан 20 март – душанба кунига;

• 25 март – шанба кунидан 22 март – чоршанба кунига.

Шунинг ҳисобига беш кунлик иш ҳафтасида ишлайдиганлар 11 ва 25 март кунлари ишга чиқишларига тўғри келади.

Олти кунлик иш ҳафтасида ишлайдиган ходимлар учун 20 март – душанба ва 22 март – чоршанба кунлари қўшимча дам олиш кунлари бўлади.

Иш ҳафтасининг туридан қатъи назар, барча ходимлар учун 23 март, пайшанбадан бошлаб одатдаги иш куни ҳисобланади.

## Нишондорларимиз

**Раъно опа Қодирова қарийб 45 йилдан бери Назарбек юқумли касалликлар шифохонасида ишлайди. Раъно опанинг гап-сўзи, юриш-туришида ўзига бўлган ишонч уфуриб туради. Институтни битириб, шаҳарда бир муддат ишлади. 1976 йилда туман юқумли касалликлар шифохонасига келгач, шу ерда "туп қўйиб, палак ёзди", яъни, оддий шифокорликдан муассаса раҳбарлигигача бўлган йўлни босиб ўтди.**



# ШИФОКОРларнинг Раъноси

Бошқа тиббиёт муассасаларидан фарқли ўлароқ, бу шифохонада ишловчи оддий фаррошдан тортиб раҳбаргача ҳар қадамда хавф, яъни турли инфекциялар билан юзма-юз турилади. Беморлардан касаллик юқтириб олмаслик учун эмланишлар ва бошқа чора-тадбирлардан ташқари, санитария-гигиена қоидаларига қатъий риоя этиш ҳам талаб этилади. Озгина бепарволик ёки масъулиятни бир зум бўлсада унутиш қимматга тушиши мумкин. Раъно опа шунча йиллар ичида ана шу масъулият, ҳушёрликни унутмади ва буни қўл остидагиларга ҳам ўргатди.

Раъно Қодированинг бир сифатига кўпчилик қойил қолади. Яъни, одатда, раҳбар шифокорлар ходимларга қаттиқ туради, вақти келганда койийди ҳам. Лекин Раъно опа кимнингдир ишидан қониқмаса, бақириб-чақириб танбеҳ бермайди, уришмайди. Аксинча, "Барака топкур", йиғилишларда эса "Барака топкурлар", деб овозини юқорилатмай гапиришининг ўзи кифоя. Бундан ҳамма ўзига тегишли хулоса чиқариб олади.

Раъно опа билан суҳбатлашганингиздаёқ дардингиз аригандай бўлади, тузалишингизга ишонч ҳосил қиласиз. Яхши муомала, тўғри ташхис ва тартибли муолажа шифокорнинг ютуғи, дея таъкидлашдан чарчамайди.

– Таомга ҳам аввал ёғ, кейин пиёз, гўшт... хуллас, масалliқлар кетма-кетликда солинади ва шундан кейин у мазали бўлиб пишади. Одам организми ҳам шундай. Унга бирваракайига кўплаб ва кучли дориларни бериб бўлмайди. Бу беморнинг аҳволини янада оғирлаштириши мумкин.

Етмиш бир баҳорни қаршилаётган бўлсада, ғайрати ва шижоати ёшлардек Раъно опа қачонки дуога қўл очса, "Ҳеч ким касал бўлмасин, касал бўлганлар тезда шифо топсин", дейишни канда қилмайди.

Йиллар давомида халқ хизматида бўлиб, билим ва салоҳияти, ширин сўзи билан кўплаб инсонларнинг дардига малҳам бўлган Раъно Қодирова Халқаро хотин-қизлар куни арафасида "Мўътабар аёл" кўкрак нишони билан тақдирланди.

**Ирода АРСЛОНОВА**

## Сўраган эдингиз



**– Қандай қилиб "Mobile-ID" тизимидан рўйхатдан ўтиш мумкин? Бунинг учун қаерга мурожаат қилиш талаб қилинади?**

*Ёқуб ОДИЛЖОНОВ*
*Бекобод тумани*

**Саволга Тошкент вилояти Адлия бошқармаси бўлим бошлиғи Жасур ҚАЮМОВ жавоб беради:**

– "Mobile-ID" тизимидан рўйхатдан ўтиш жуда осон. Бунинг учун сиз бир маротаба шахсингизни тасдиқловчи ҳужжат (паспорт ёки ҳайдовчилик гувоҳномаси) билан республикада мавжуд Давлат хизматлари марказлари ёки нотариусларга келишингиз кифоя.

Марказ оператори ёки нотариусга шахсингизни тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этасиз ва мобиль рақамингизни маълум қиласиз. Улар тизим орқали сизни "OneID" тизими орқали текширади ва рўйхатдан ўтказади. Тизим орқали биометрик маълумотларингиз тасдиқланади.

Телефон рақамингизга тасдиқловчи код юборилади ва код тизимга киритилади. Демак, фуқаролар мобиль рақами орқали ЯИДХП (my.gov.uz) портали ва бошқа кўпгина молиявий хизматларга телефон орқали буюртма бериши ва тасдиқлаши мумкин.

**– Агар васиятнома бўлмаса мерос қандай тақсимланади?**

*Нодир УМАРЖОНОВ*
*Бўка тумани*

**Саволга Тошкент вилояти Адлия бошқармаси бош маслаҳатчиси Искандар ИСЛОМОВ жавоб беради:**

– Васиятнома бўлмаганида мерос қонун бўйича ворислик асосида тақсимланади. Яъни, қонун бўйича ворисликда фарзандликка олинган шахс ва унинг авлодлари, бир тарафдан, фарзандликка олувчи шахс ва унинг қариндошлари, иккинчи тарафдан, туғишган қариндошларга тенглаштириладилар.

Фарзандликка олинганлар ва уларнинг авлодлари фарзандликка олинган шахснинг ота-онаси ҳамда бува-бувилари, ака-укалари, опа-сингиллари вафот этганидан кейин қонун бўйича мерос олмайдилар.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик кодекси иккинчи қисми бўйича ворисларнинг ҳар бир навбати аввалги навбатдаги меросхўрлар бўлмаган, меросдан четлаштирилган, меросни қабул қилмаган ёхуд ундан воз кечган тақдирда ворислик ҳуқуқига эга бўлади.

**– Президентнинг янги қарорига мувофиқ, пилла қурти уруғини ишлаб чиқарувчиларга қандай имкониятлар берилмоқда?**

*Амирхон ҲОШИМОВ*
*Чиноз тумани*

**Саволга Тошкент вилояти Адлия бошқармаси бош маслаҳатчи Алишер ТУРҒУНОВ жавоб беради:**

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 24 февралда имзоланган "Ипакчилик тармоғини янада ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорига кўра, 2023 йил 1 мартдан 2026 йил 1 январгача пиллани қайта ишлаш ва пилла қурти уруғини ишлаб чиқарувчиларга улар томонидан бевосита пилла боқувчиларга етказиб берилган ҳар қути ипак қурти уруғи учун 120 минг сўм миқдорида субсидия ажратилиши белгиланди.

2023 йилнинг 1 апрелидан эса "Ўзбекипаксаноат" уюшмаси таркибидаги корхоналар томонидан ўзлари ишлаб чиқарган ипак маҳсулотларини экспорт қилиш операциялари бўйича муддати ўтказиб юборилган дебитор қарздорлик ҳосил бўлишини ҳисоблашнинг ягона муддати божхона юк декларацияси расмийлаштирилган санадан 360 кун этиб белгиланди.

Шунингдек, 2023 йил 1 мартдан хом ипакни экспорт қилиш тартиби соддалаштирилади.

Маълумот ўрнида айтиш мумкинки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 26 апрелдаги "Республикада гўшт, жун ва сут йўналишидаги майда шохли молларни кўпайтириш ва тармоқ озуқа базасини мустаҳкамлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорига асосан солиқ ва божхона тўловлари бўйича имтиёзларнинг амал қилиш муддати 2026 йил 1 январгача узайтирилган.

# "ЯШИРИН ҚОТИЛ" ёхуд вилоятда нефрологик вазият қандай?

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

Республикамизда ҳам буйрак касалликлари ўлим кўрсаткичининг юқорилиги, молиявий харажати катталиги билан хавфли хасталик ҳисобланади. Асосан меҳнатга лаёқатли аҳоли орасида кенг тарқалган бўлиб, унинг авж олиши терминал буйрак етишмовчилиги ривожланиши билан боғлиқ. Бу хасталик кўпинча ўз вақтида ташхисланмайди ва охиригача даволанмайди. Шунинг учун бу касалликка нисбатан «яширин қотил» ибораси ишлатилади.

Тиб олимларининг илмий хулосаларига кўра, нефрологик касалликларни қандли диабет, сурункали гломерулонефрит ва пиелонефрит, буйрак поликистози кабилар келтириб чиқаради. Аксарият ҳолларда белгилари намоён бўлмай, яширин равишда кечади. Аммо терминал буйрак етишмовчилиги келиб чиққанидан кейин касаллик ниҳоятда хавфли тус олади. Терминал ва ўткир буйрак етишмовчилиги билан хасталанган беморларга фақат икки усул – мунтазам гемодиализ орқали даволаш ва буйрак трансплантацияси самара беради.

Хўш, Тошкент вилоятида кейинги йилларда нефрология касалликларига қарши курашиш, унинг олдини олиш, бу борада аҳоли саломатлигини сақлаш учун қандай ишлар олиб борилмоқда?

Ҳозирги кунда вилоят бўйича сурункали буйрак етишмовчилиги билан 800 бемор рўйхатга олинган бўлиб, улардан 730 нафари амбулатор равишда гемодиализ муолажасини олиб даволанмоқда. Вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази, унинг Хонобод филиали, шунингдек, Олмалиқ, Бекобод, Ангрен, Янгийўл шаҳарлари ҳамда Юқори Чирчиқ туманида гемодиализ бўлимлари фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, улар "Fresensius 4008 S", "Dialog+" гемодиализ ва сув тозалаш ускуналари билан жиҳозланган. Муолажалар 5 сеансда олиб борилади, беморлар учун зарур шароитлар яратилган.

– Мунтазам равишда гемодиализ муолажасини олиб келаман, – дейди Юқори чирчиқлик Ўткир Нуртурсунов. – Авваллари узоққа қатнар эдик, сабаби туманимизда бундай бўлим йўқ эди. Беморни йўл азоби ҳам қийнаб қўярди. Эндиликда муолажани шу бўлимда оляпмиз.

Дарҳақиқат, вилоятда аввал фақат иккита гемодиализ бўлими бор эди. Президентимизнинг тегишли қарори билан ҳар бир туман-шаҳарда шундай бўлимлар очилмоқда. Лекин шунга қарамай, соҳада ечимини кутаётган муаммолар талайгина. Биринчи навбатда кадрлар масаласи.



Вилоят бош нефрологи Ботир Эгамбердиевнинг сўзларига кўра, сурункали буйрак етишмовчилиги билан рўйхатга олинган беморлар сони бўйича мутахассислар етарли эмас. Болалар гемодиализи бўйича эса мутахассис деярли йўқ. Вилоятда нефрологик, шунингдек, буйрак трансплантациясидан кейинги даврда даволанишга муҳтож беморлар сони ортганини ҳисобга олиб, стационар ўринларни кўпайтириш зарур. Ҳозирда мавжуд бўлимларда ҳам мутахассислар етишмайди.

Яна бир маълумот: шу кунга қадар вилоятда 41 нафар беморда буйрак трансплантацияси амалиёти ўтказилган бўлиб, улар доимий шифокор назоратида. Шунингдек, бундай беморлар иммунодепрессант дори-дармонлар билан таъминлаб келинмоқда.

– Касалликнинг профилактикаси ва давоси ҳақида сўз борганда, аввало, халқимизнинг тиббий маданиятини оширишимиз, шунингдек, бу хасталик ёмон оқибат ва асоратларга олиб келиши, ўлим кўрсаткичи юқори бўлган дардлар туркумига киришини тизимли равишда тушунтириб боришимиз зарур, – дейди Ботир Эгамбердиев. – Аслида ҳар бир инсон соғлиги ўзи ва оила аъзолари учун биринчи даражада туришини англаб етиши даркор. Яъни, профилактик кўриклардан мунтазам ўтиш касалликларнинг эрта аниқланиши ва даволанишига сабаб бўлади. Тавсияларим – сурункали инфекция ўчоқлари, яъни муртак безларининг яллиғланиши, қулоқ-бурун хасталиклари, кариесга учраган тишларни ўз вақтида даволаш, захдан ва совуқдан эҳтиёт бўлиш, токсик моддалар билан ишлаганда меъёр қоидаларига риоя этиш зарур. Қисқача айтганда, соғлом турмуш тарзи саломатлигимиз гарови эканини унутмайлик.

**ТАҲРИРИЯТДАН:** *мақолани тайёрлаш мақсадида гемодиализ бўлимларига борганимизда бу касалликнинг нақадар хавфли эканини ҳис қилдик. Тасаввур қилинг, беморлар умрларининг охиригача гемодиализ муолажасини олишга мажбурлар. Яъни, "сунъий буйрак" аппарати инсон танасидаги қонни тозалаб, яна қайта қуяди. Муолажа олаётганлар эса турли ёшдаги инсонлар...*

*Касалликни келтириб чиқарувчи омилларга кўп ҳолларда инсоннинг ўзи, яшаш тарзи сабабчи эканини эшитиб, ҳайратимиз янада ортди...*

**Нозима РАСУЛОВА**
**/Тошкент ҳақиқати/**

*Жалолиддин ЭСОНОВ олган суратлар*

# Эгизак гаплар ёки шамол тегмаган ҲАНГОМА




(Давоми. Бошланиши ўтган сонларда)

Ҳақ гап ҳақиқатнинг туғишган қариндоши, чин гап эса тўғриликнинг ёрқин ғалабасидир.

Оғиздан билиб-билмай, ўйлаб-ўйламай чиқиб кетган фаросатсиз гап асло қулоқ танламайди. Бу шўрлик гап қайси қулоққа кирганини билмайди. У айланиб-айланиб барибир қўшимчалари билан кирган қулоқдан яна чиқиб кетади. Кейин у бошқа қулоқни нишонга олиб, абгор қилади. Гап ҳамиша мушук-сичқон овлагандек, гап ҳам қулоқ излайди, ов қилади. Ҳушёр қулоқдан кўра, бўш, ҳангоматалаб қулоқларни нишонга олади. Аслида ўзбек қулоғи – ҳангома, деди-деди, миш-миш, олди-қочди, фисқи-фасод гапларга ўч бўлади. Эшитишдан асло зерикмайди. Аслида ҳузур қилади, ҳаловат топади.

* * *

Гап занжирга ўхшайди. На боши, на охири бор унинг. Уланиб-уланиб, ҳалқа-ҳалқа бўлиб кетаверади, кетаверади. Гўё тоғдан тушаётган шалоладай. Шиддат билан оқиб кетаётган гапни на тўхтатиб, на ушлаб бўлади. Сой шовуллаб оқиб кетаётиб, гоҳ тошни суриб юборади, гоҳ қирғоқдан тошади, гоҳ бошқа ирмоққа йўл очади. Шошиб айтилган ва шошган гапга ишониб бўлмайди. Шошаётган гап шамолга ошно тутинади, шамолдай елади, эсда қолмайди. Бундай гапга шамол тегмайди. Шамол тегмаган гап машҳур бўлмайди. Шамол тегмаган гапнинг қитиғи бўлади, овозаси тез тарқайди. Гапдонлар тез илиб кетади. Шамолга ўхшаб оғиздан-оғизга кўчиб юради. Шу боис шамол уни чанг-ғубордардан тозалайди. Қулоқларга оҳиста етиб борсин, деб пардозлайди.

* * *

Гап – камондан отилган ўқ. Агар гап яхши, эзгу ниятда айтилган бўлса, инсонга руҳий ва маънавий куч-қувват беради. Ёмон, ёвуз ниятда оғиздан чиққан бўҳтон гап одамнинг юрагини жиддий жароҳатлайди, баъзан оқибати оғир ҳолатларгача ҳам олиб келади. Қалбга зарба беради. Умрга зомин бўлади.

Гап жароҳатига энг зўр табиблар-у докторлар ҳам даво тополмайдилар. Гап жароҳати оғир – юракка чўкади, уни адо қилади. Ғавғо, фитна, иғво гаплар нафақат одамлар, балки давлатлар орасига ҳам нифоқ солган. Масалан, жанжаллар, урушларни келтириб чиқарган сохта ва туҳмат гаплар тарихдан яхши маълумлиги бугун ҳам аён бўлиб турибди. Лекин баъзи жиддий келишмовчиликлар, чегара бузишлар доно ва ақлли гап билан тўхтагани ёки урушнинг олди олингани ҳам рост. Гап – сулҳнинг калити.

* * *

Гап – сиртмоқ. Гоҳ гапирган, гоҳ ана шу гапни эшитганнинг бошини сиртмоқ аёвсиз синайди, турфа кулфатларга дучор қилади.

Гап – демократия либосини кийиб олган кўз бойлоғич, ё сеҳргар. Гап тўғри йўлга чорлайди. Лекин тўғри йўлдан чалғитади ҳам... Шунда адашиб кетасан, адашиблар кетасан, йўлингни йўқотиб қўясан.

* * *

Одам қуруқ, сохта гап сабаб, гапга ишониб йўлини йўқотса ёмон. Дунёга келишдан, яшашдан мақсад тўғри йўл топиш, тўғри гапга суяниш лозим. Лекин тўғри йўлдан юришга лўттибоз гапдонлар, гапфурушлар йўл бермайдилар. Гап ташлаб чалғитадилар, гап билан алдайдилар, гап сабаб йўлингни тўсадилар. Сўнг силлиқ, майин, айёр гаплар ёрдамга келади. Аста-секин бу гапларга ҳам ошно бўласан, ишонасан. Ишонган лаҳзадаёқ чалғийсан, алданасан.

Чалғиш барча хатоларнинг бошланишидир. Билиб қўй: илон гап, ари гап, чаён гап – чақса ўлдиради. Лекин умринг, ҳаётинг илон ё чаён гап қуршовида ўтса, жуда даҳшат. Жонингга тўзим берсин... Мушукдай мулойим, мусичадай хоксор гаплар эркалатади, эркалаб жонингни олади. Аммо шер гап, йўлбарс гап, қоплон гап, бўри гап одамга куч-қувват беради, иродасини мустаҳкамлайди. Тулки гапдан эса эҳтиёт бўл, алдагани етмагандек, маддоҳ шоирга ўхшаб хушомадга ўргатади. Шундоқ ҳам бу ўткинчи дунё тулки гапга ғарқ бўлган. Билиб қўй, ҳатто, шер ҳам тулки гапнинг қулига айланиб қолганини сезмайди... Хушомад ёқса керак-да! Шоир айтганидек: "Норнинг ит олдида чўкканин кўрдик..."

**Ашурали ЖЎРАЕВ**

*(Давоми бор)*


## Эълон

**«TASHKENT REALTOR SERVICE» МЧЖ**

**босқичма-босқич ошиб бориши шаклида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!**

1. Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Дўрмон Қ.Ф.Й. ҳудудида жами 6,03 Га., шундан 5,521 Га. ер майдонида жойлашган 3100 дона кўп йиллик дов-дарахтлардан иборат "Боғзор", бошланғич баҳоси – 50 280 000 сўм; 2. Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Дўрмон Қ.Ф.Й. ҳудудида жами 2,91 Га., шундан 2,81 Га., ер майдонида жойлашган 1564 дона кўп йиллик дов-дарахтлардан иборат "Боғзор", бошланғич баҳоси – 50 873 488 сўм; 3. Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Дўрмон Қ.Ф.Й. ҳудудида жойлашган жами 10,32 Га., шундан 10,1 Га. ер майдонида жойлашган 8910 дона кўп йиллик дов-дарахтлардан иборат "Боғзор", бошланғич баҳоси – 88 575 042 сўм.

Аукцион савдоси 2023 йил 11 апрель куни соат 11:00да Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Қушбеги кўчаси 14-уйда бўлиб ўтади. Мазкур объектлар шу куни сотилмай қолган тақдирда такрорий аукцион савдолари ҳар ҳафтанинг сешанба кунлари 2023 йил 27 июнга қадар соат 11:00да бўлиб ўтади. Аукцион савдосида иштирок этиш истагини билдирган шахслар "Закалат пули тўғрисидаги келишувни" имзолагандан сўнг объект бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини "TASHKENT REALTOR SERVICE" МЧЖнинг "Ипак йўли" АИТБ Тошкент шаҳар Миробод филиалидаги 20208000804876496001 ҳисоб рақамига, МФО: 01101, СТИР: 301 743 808 тўлашлари лозим. Шунингдек, Риэлторлик хизматларининг миллий стандарти (2-сон РХМС)га асосан талабгорларга кўчмас мулк бозорида ахборот ва маслаҳат хизматлари кўрсатилади ҳамда риэлторлик хизматларини кўрсатиш бўйича шартномалар тузилади.

Очиқ аукцион савдосида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари керак: юридик шахслар учун – давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, ишончли вакил иштирок этганида ишончнома; жисмоний шахслар учун – паспорт нусхаси, ишончли вакил иштирок этганида ишончнома.

Мазкур ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб, жамиятнинг расмий иш кунлари соат 9:00 дан 16:00 гача Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Яккасарой тумани, Қушбеги кўчаси, 14-уйда қабул қилинади ва савдодан бир кун олдин соат 16:00 да тўхтатилади. Такрорий савдолар учун савдодан бир кун олдин соат 16:00 да тўхтатилади.

Қўшимча маълумотларни (55) 517-08-18 телефон рақами орқали олишингиз мумкин.

## Тошкент воҳаси: Афсона ва ҳақиқат



**Самсарак – Паркент туманида жойлашган қадимий қишлоқлардан бири. Ватандошимиз Захириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома” асарида ушбу қишлоқ номи тилга олинган бўлиб, юртини тарк этишдан аввал бу ерларда бир муддат қўним топгани ёзилган.**

# “Бобуртепа”га борганлар борми?

Қишлоқнинг файзли кўчаларидан юрар эканмиз, кўз олдимиздан “Бобурнома” китобига битилган воқеалар бирма-бир ўта бошлади: 12 ёшида тахтга ўтирган Бобур ақл-заковати, мардлиги, шерюраклиги билан машаққатли ва шарафли ҳаёт йўлини босиб ўтади. Мажбурликдан ўз юртини ташлаб, ҳинд сари юзланади ва мамлакатни обод қилади, шоҳ асарлар ёзади. У ўз юртида жисмонан ғолиб бўлмаса-да, маънан ғолиб эди. Унинг жасорати, шоҳ асарлари бизгача етиб келган ва ҳамон аҳамиятини йўқотмаган.

Дарҳақиқат, тахт талашишлар Бобурни узоқ ва машаққатли йўлга бошлади. У юрган йўллар Тошкентдан бошланиб, Оҳангарондан ўтиб, Паркентгача чўзилган. Бобур шу йўл орқали она юрти Андижонга бир неча бор қатнаган. Бобур қишлоқда бўлган вақт Самарқандни эгаллаш учун чапдаст йигитлардан қўшин тузгани ҳақида маълумотлар бор.

Ҳозирда у қишлоқда қўним топган жой “Бобуртепа” деб аталади ва ёдгорлик сифатида рўйхатдан ўтказилган. Қишлоқда 10 га яқин катта-кичик тепаликлар мавжуд бўлиб, ҳар бирининг ўзига хос тарихи бор. Шу қишлоқлик тарих ва география фани ўқитувчиси Иноят ака Иброҳимов



Самсаракдаги тепаликларга оид қизиқ тарихий фактларни тўплаб юрар эканлар. Айтишларича, Бобурнинг бобо аждоди Амир Темур ҳам шу қишлоққа келишни хуш кўрган. Бу ерда жойлашган “Туштахт” тепалиги унинг севимли маскани бўлган. Қишлоқда эсадиган майин шаббодада ухлаб, дам олган. Маълумки, ҳаётда рўй берадиган ҳодисалар кўпинча тушда аён бўлади. Амир Темур ҳам бу ерда дам олган вақтларида илоҳий тушлар кўрган ва кейинчалик уларни ҳаётга татбиқ этган.

Қишлоқдаги бир неча аср юзини кўрган азим чинор дарахтини Соҳибқирон бобомиз ўз қўллари билан эккан эканлар. Чинор атрофига эса учта ҳалқасимон тош ўрнатилган. Дарахт атрофида анжир боғлар, 3 та чодир ва ҳовуз бўлган. Бу сўлим гўшада хорижликлар билан музокаралар ўтказишган. Чинор дарахти олдидан оқиб ўтган булоқ ҳам Амир Темур томонидан чиқарилган бўлиб, ундан ҳозир ҳам одамлар сув ичишади. Маҳаллий аҳолининг айтишича, бу сув шифобахш хусусиятга эга. Шунингдек, қишлоқда Амир Темурнинг қурол-аслаҳа, замбараклар ясайдиган устахоналари ҳам бўлган. Қурол қолипларининг қолдиқлари ҳалигача сақланиб қолган.

– Қишлоғимизнинг очилмаган сирлари талайгина, – дейди Иноят ака. – Унинг тарихини яхшилаб ўрганиб, батафсил ёритиш керак. Чунки ёшлар аждодлари ҳақида қанчалик кўп билишса, кимларнинг авлоди эканликларини яхшироқ англайдилар. “Бобурномада” қишлоғимиз ҳақидаги хотиралар қисқача баён қилинган. Айтишларича, батафсил ёзилган қисми бўлган, лекин маълум сабабларга кўра китобга киритилмаган. Бобур Мирзо ҳатто, қишлоғимиздаги бир қоятошга шеър ҳам битган экан, аммо уни сув оқизиб кетган, лекин бир қисми ҳалигача сақланиб турибди.

Биз ҳам қишлоқнинг гўзал табиати ва тоза ҳавосидан баҳраманд бўлдик. Бобур бобомиз юрган йўлларда юрдик. Лекин кўнгилни хира қилган ҳолатлар ҳам бўлди. Чинор дарахти экилган ҳудуд хароб аҳволда, тозаланмаган. Ёнидаги масжид ҳам қаровсиз.

Президентимиз вилоятимизга ташрифи чоғида Паркентда туризмни ривожлантириш имкониятлари кенглигини таъкидлаган эдилар. Ана шу ерларни обод қилиб, зиёратгоҳ сифатида қайта тикланса, албатта, маҳаллий ва хорижлик сайёҳлар оқими кўпаяди.

**Нозима РАСУЛОВА**
**/Тошкент ҳақиқати/**
*Жалолиддин ЭСОНОВ олган суратлар*

**Туйғу**



## ЎЗИМНИНГ ОПАМ-А, ЖАФОКАШ ОПАМ...

*Нималар қилмадим бегоналарга,*
*Ука бўлиб Сизга нима қилолдим?*
*Тақлид қилиб машҳур девоналарга*
*Бугун ўзимга ҳам ёт бўлиб қолдим.*

*Ҳамон кўз олдимдан ўтади бир-бир*
*Анорзор, теракзор... дадамнинг боғи...*
*Эгилиб, ҳассага таянган анжир...*
*Ўша дамлар ҳидин туяман гоҳи...*

*Оёғимни тилса бехос чўкиртак*
*Опош бўлсин, дея ўпган опамсиз.*
*Кўчада тўп тепиб юрсам мен тентак*
*Мен учун ҳам ерлар чопган опамсиз.*

*Шунчалар ҳам яхши бўларми одам?*
*Мерос қолмайдими бизга меҳрлар?*
*Чорбоғдан жилмайиб чиқади дадам*
*Ва сизга тутқазар олтин беҳилар!*

*Кимгаям айтардим сизга айтмасам,*
*Юрагим анордек ёргим келади.*
*Бу дунё дадамни соғинтирган дам*
*Сизнинг ёнингизга боргим келади.*

*Соғ-омон бўлсинлар аям, ишқилиб!*
*Юрсам ҳам, турсам ҳам дуо ўқийман.*
*Аямни пошшодай эҳтиёт қилиб,*
*Фақат хушхабарли гаплар тўқийман.*

*Опажон, кўзингиз жиқ тўла қайғу,*
*Жиянлар кўзида тоғага ҳавас.*
*Шеъримда дунёга бахт тилайман-у,*
*Сизни бахтли қилиш қўлимдан келмас...*

*Сизни меҳнат учун яратган Қаҳҳор*
*Мени саёқ қилиб яратмиш, нетай?*
*Уловим ҳамиша сафарга тайёр,*
*Кузатишга доим рафиқам ҳам шай...*

*Гоҳо Сурхондами, ё Самарқандда*
*Қадрдон чеҳралар учрар йўлимда.*
*Сиз каби синиққан, сиздайин содда,*
*Дағал бармоқларин тафти қўлимда.*

*Зийнатлари – ҳаё, энг ноёб безак,*
*Усту бошларига беролмаслар зеб.*
*Сизни эслайману айтаман, демак,*
*Буларнинг укаси шеър ёзади деб...*

*Ўзимнинг опам-а, жафокаш опам,*
*Билмайсиз ранжишни, хафа бўлишни.*
*Менга ўхшамасин ўғиллар ҳечам,*
*Қизим сиздан олсин опа бўлишни!*

**Иқбол МИРЗО,**
**Ўзбекистон халқ шоири**

**Тавсия**



# “Илик узилди” – йўғон чўзилди

**Ўлкамизда қиш тугаб, баҳор фасли бошланди. Айни шу паллада кўпчилик инсонларда ҳолсизлик ва руҳий толиқиш кузатилади.**

Хўш, бунинг олдини олиш учун қандай йўл тутиш лозим?

Дарҳақиқат, фасллар алмашинуви даври, хусусан, куздан қишга, қишдан баҳорга ўтаётган пайт аксарият кишиларда бундай ҳолат кўп учрайди. Бу эса организмда моддалар алмашинуви тезлашиши ва витаминларга бўлган эҳтиёж ортиши билан боғлиқ.

Қолаверса, баҳор фасли кўкатли таомлар, сабзавотлар истеъмол қилиш мақсадга мувофиқ. Чунки улар таркибида организм учун зарур бўлган С витамини, озуқа толалари, биофлавоноидлар, антиоксидантлар мавжуд. Айниқса, исмалоқ, ялпиз, мадор, отқулоқ, жағжағ каби гиёҳлардан тайёрланган таомлар танада моддалар алмашинуви ва ошқозон-ичак тизимини яхшилайди.

Шунингдек, қишда заифлашган организм A, B, D ва E витаминларига муҳтож бўлгани сабабли уларнинг ўрнини тўлдириш учун тўлиқ донли ундан тайёрланган нон, ёнғоқ, гўшт, балиқ, қаймоқ, творог, ёнғоқ, майиз, бодом ва асал ейиш керак. Тушлик ва кечки овқатда эса кўпроқ ёғсиз ва тез ҳазм бўлувчи таомлар истеъмол қилиш мақсадга мувофиқ.

Аксинча, баҳорда цитрус меваларни кўп ейиш тавсия этилмайди. Чунки табиат уйғониши, дарахтларнинг гуллаши аллергияга мойил кишиларда касалликни қўзғаши мумкин. Шунингдек, соч, қўл-оёқ ва юз парваришига эътибор қаратиш, тери касалликлари ҳамда аллергияга мойил инсонлар шифокор назоратида кераксли муолажаларни олиши лозим.

**Гули ШАЙХОВА,**
**нутрициолог**

## Мана гап

**Ҳаётда доим "ҳазиллашяпман"нинг ортида ҳақиқат, "билмайман"нинг ортида билим, "аҳамияти йўқ"нинг ортида малол ва "мен яхшиман"нинг ортида бир оз оғриқ бўлади.**

**Стефан ЦВЕЙГ**



**Нега шундай деймиз?**

# Тарбия тақани тўғирлайди

Тақани оддий қўл билан тўғрилаб бўлмайди. Бунинг учун махсус асбоб-ускуна ва тадбир керак бўлади. Мазкур мақол билан: “Чинакам тарбия билан “тузалмас” одамни ҳам, жумладан, “қулоқсиз” ўжар, гож, ўта шўх болани ҳам тузатиб, одобли қилиш мумкин”, дейилмоқчи. Ота-боболар бола тарбиясида агар сўзнинг, панд-насиҳатнинг ўзигина кор қилмайдиган бўлса, дўқ-пўписа қилиш фойдадан ҳоли бўлмайди, деган фикрни илгари сурганлар. Бу мақолни кўпинча мажозан: “Бировни, айниқса, болаларни тарбиялашда ҳам жуда юмшоқлик қўл келавермайди, бир оз қаттиқлик ҳам керак”, деган маънода қўллайдилар. “Таёқ айиқни ҳам мулла қилади”; “Токни “так” десанг, Қашқарга етади” (Отни “так, так!” деб тўхтатадилар. Шунингдек, токни ҳам “так” демаса, яъни вақти-вақти билан қирқиб, хомток қилиб турилмаса, тўхтовсиз ўсиб кетаверади, бўйига зўр беради-ю, ҳосилига куч бера олмайди.

Мазкур мақол билан ҳам мажозан: “Болани яхши парвариш қилмасанг, ҳаддидан ошганда қайтариб турмасанг, бора-бора ҳеч тузатиб бўлмайдиган безори, беодоб бўлиб кетади”, дейилмоқчи). “Болани сўкаверсанг бети қотар. Ураверсанг эти қотар” (“Болага таъзир бериш керак, лекин эви билан. Ҳадеб жеркиб ташлайверилса, сўкаверилса, қаттиқ гапираверилса, ураверилса, бола бора-бора бунга кўникиб, унча-мунча гап-сўзни ҳам, калтакни ҳам писанд қилмайдиган бўлиб қолади”, дейилмоқчи); “Отаси қилса зўрликни, боласи кўрар хўрликни”.

**Ш. ШОМАҚСУДОВ,**
**“Ҳикматнома”**

## Саҳарханда

### Вазни оғирлашганмиш



Икки янги бой битта машина аранг сиғадиган кўприк устида учрашиб қолибди.

– Аравангни четга ол, ўтиб олай, – дебди биринчиси.

– Йўқ, ўзинг чеккага чиқ, мен олдин ўтаман, – дебди иккинчиси.

– Ҳой, машинам энг қимматбаҳо улов эканлигини билмайсанми?

– Менинг машинам ҳам худди шунақа!

– Қара, бўйнимдаги тилла занжирим нақ 300 грамм!

– Меники ҳам шунақа – 300 грамм!

– Вазним бир центнердан ортиқ!

– Менинг оғирлигим ҳам 100 килодан кам эмас!

Шунда биринчи бой салгина ўйланиб турибдида:

– Майли, четга чиқиб турганим бўлсин. Сен ўта қол! – дебди.

– Нега энди? – дебди иккинчи бой ҳеч нарсага тушунмай.

– Сенинг вазнинг 20 граммга оғирлашди. Чунки машинангга тупурдим!

### Кўп билиш шарт эмас!

Беш-олти йил ишлаб, тажриба орттирган ЙПХ ходими ўзига шогирд қилиб бириктирилган янги инспектордан сўрабди:

– Қани, айт-чи, иккини иккига кўпайтирсак, неча бўлади?

Шунда уларнинг ёнидан ўтиб кетаётган бўлинма сардори сержантга дашном берибди:

– Боланинг бошини қотирма! Бизда тўрт амал жа-а-а шартмас, олиш билан бўлишни билса, кифоя!

**Раҳмонали ҚОСИМОВ**
**тайёрлади**

TOSHKENT HAQIQATI
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Muassis:
TOSHKENT VILOYATI HOKIMLIGI



“Toshkent haqiqati” va “Tashkentskaya pravda” gazetalari tahrir hay’ati:
Zoyir MIRZAYEV
(tahrir hay’ati raisi)
Ummat MIRZAQULOV
Hotamjon SAYDAHMEDOV
G‘afurjon MUHAMEDOV
Shavkatjon RAHIMOV
Tohir ARIPOV
Ravshan RAIMOV
Mahmud TOIR
Uskenboy ATEMOV
Abdulla XURSANOV
Mahmudjon BOLTABOYEV
Olimjon BEGALIYEV
Zarifa ERALIYEVA
Sergey MUTIN

Bosh muharrir:
G‘ayrat SHERALIYEV

Qabulxona:
(71) 233-64-95
Bosh muharrir o'rinbosari:
(71) 233-70-10
Mas’ul kotib:
(71) 233-90-82
Bo‘lim muharrirlari:
(71) 233-38-23, (71) 233-48-08
E'lonlar va hisob-kitob bo‘limi:
(71) 233-54-10
e-mail: toshkenthaqiqati@umail.uz

Navbatchi muharrir:
Kumush EGAMBERDIYEVA
Mas’ul kotib:
Alloma AZIZOVA
Navbatchi:
Javlon HALILOV

Bosishga topshirish vaqti - 21.00.
Bosishga topshirildi - 21.30
Nashr ko‘rsatkichi - 205.
Buyurtma G-331.
7 949 nusxada chop etildi.
Hajmi - 2 taboq. Ofset usulida bosildi. Qog‘oz bichimi A–2.
Bahosi kelishilgan narxda.

Toshkent viloyati Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar boshqarmasida 2011-yil 12-yanvarda 03-001 raqami bilan ro‘yxatga olingan.

Manzilimiz:
111500, Nurafshon shahri, Toshkent yo‘li ko‘chasi, 90.
Toshkent shahridagi ofisimiz: 100000, Matbuotchilar ko‘chasi, 32.
ISSN 2010-9318.

Gazeta «Toshkent haqiqati» tahririyati kompyuter markazida terildi va Tohir Mahmudxo‘jayev tomonidan sahifalandi.

Haftaning chorshanba va shanba kunlari chiqadi.

«SHARQ» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida bosildi.
Korxona manzili: Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
1 2 3 4 5 6